
Марғилон шаҳридаги “Ватан”, “Ёрқин” ҳамда “Турон” маҳалла фуқаролар йиғинларида “BOOK KAFE”лар очилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда шаҳар ҳокими сўз олиб ушбу маърифат масканларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад - ёшлар ўртасида китобхонликни ривожлантириш, уларни китоб ўқишига қизиқтириш, эртамиз эгаларининг таълим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун замонавий шароит ва имкониятлар яратиш, шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш иборат эканлигини алоҳида таъкидлади.

Марғилон шаҳар ҳокими ташабbusи билан ташкил этилган ушбу маърифат масканларига жаъми 10 миллион сўмлик бадиий адабиётлар келтирилди. Шунингдек, бепул интернет тармоғи “Wi-fi” зона ҳам ташкил этилган бўлиб, тадбиркорлар томонидан яратилган барча шароитлар туфайли аҳоли вакиллари эндиликда бу ерда доимий равишда мароқли ҳордиқ чиқаришлари мумкин бўлади.

Дарҳақиқат, шаҳrimiz ҳудудларида ташкил этилаётган бу каби масканлар ёшларимиз учун ажойиб тухфа бўлмоқда. Ташкилотчилар томонидан аҳолига яна бир қулайлик яратиш мақсадида “Wi-fi” зоналар Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилоят Ахборот кутубхона маркази билан ҳамкорликда марказий кутубхонанинг электрон базасига уланувчи QR кодли электрон китоблар манзиллари билан таъминланмоқда.

2022-09-10 19:47:40